

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 4 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 4

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART


VOLUME 5, ISSUE 4



ТОШКЕНТ-2022

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Elmuradova Gulrukh Karimalieva TOURISM TEXTS AND THEIR PRAGMALINGUISTIC FEATURES.....	4
2. Qahramon Eshboyev GRADUONIMIYA VA SINONIMIYANING O'ZARO MUNOSABATI MASALASI XUSUSIDA.....	11
3. Райхонова Мухайё Мухаммадиевна ШЕЪРИЯТДА БАДИЙ ТАСВИР УЙГУНЛИГИ.....	15
4. Дилдора Юнус кизи Юсупова ЭВФЕМИЗМЫ В ПОЭЗИИ ХАЛИМЫ ХУДОЙБЕРДИЕВОЙ.....	22
5. Dilorom Nigmatovna Yuldasheva, Madina Ilhom qizi Ro'ziyeva LISON-TAFAKKUR-NUTQ MUNOSABATI – SUBSTANSIAL TILSHUNOSLIKNING BOSH MAVZUSI.....	28
6. Жаримбетова Толғанай Курбанбаевна БАДИЙ ҲУЖЖАТЛИ ҚИССАЛАРДА ҚАХРАМОН ОБРАЗИНӢ ЁРАТИШ МАҲОРАТИ.....	35
7. Назарова Иноятхон Баҳтиёрхўжаевна МИЛЛИЙ ЭСТРАДА АКТЕРИ ВА УНИНГ НУТҚ МАҲОРАТИ.....	42
8. Ниязов Равшан Туракулович ДЕТЕКТИВ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА БАДИЙ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	48
9. Tajiboyev Botir Raximjonovich ASSOTSIATIV LUG'ATLARNING YARATILISHIGA BIR NAZAR.....	55
10. Шеркулов Сардор Комилович ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА У ФОЛЬКНЕР НАСРИ АНЬАНАЛАРИ.....	60
11. Yuldasheva Dilorom Nigmatovna, Gulamova Dilobar Imamkulovna EVFEMIZMLAR O'QUVCHI NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRUVCHI OMIL SIFATIDA.....	66
12. Юсупова Дилдора Юнусовна ХУДОЖЕСТВЕННАЯ РЕЧЬ И МНОГОЗНАЧНОСТЬ.....	73
13. Abdurakhmanova Nargiza Nusratullayevna THE CONCEPT OF "INSTRUCTIVE DISCOURSE" IN ENGLISH AND UZBEK AND ITS METHODOLOGY.....	80
14. Пхомова Umida Djamatiddinovna AMERIKA ADABIYOTIDA "O'QITUVCHI" OBRAZINING BADIY TALQINI (BEL KAUFMANNING "PASTKI ZINADAN YUQORIGA" ASARI MISOLIDA).....	86
15. Наширова Дилноза ЎЗБЕК ТИЛИДА ЙЎНАЛМА ҲАРАКАТ ФЕЪЛЛАРИ ТИЗИМИ.....	91
16. Rasulova Soxiba Ulug'bekovna WASHINGTON IRVING IJODIDA SATIRA VA YUMOR.....	97
17. G'aybullayeva Xatira Muratdjanovna BADIY TARJIMADA LINGVOMADANIY TAHLILNING AHAMIYATI.....	106
18. Икрамова Азиза Аминовна ИҚБОЛ МИРЗОНИНГ "САМАРҚАНД САЙҚАЛИ" ШЕЪРИЙ ДРАМАСИДА СИНКРЕТИК ХУСУСИЯТЛАР.....	112



INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

ISSN: 2181-9297
www.tadqiqot.uz

Икрамова Азиза Аминовна

Бухоро давлат университети, Гуманитар йўналишларда чет тили кафедраси таянч докторанти

ИҚБОЛ МИРЗОНИНГ “САМАРҚАНД САЙҚАЛИ” ШЕЪРИЙ ДРАМАСИДА СИНКРЕТИК ХУСУСИЯТЛАР



<https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Антик давр адабиётида драматик турнинг тараққиёт босқичлари кўп асрларга бориб тақалади хамда бу тур энг етакчи ўринларда бўлган. Қолаверса, бу даврдаги дарматик асарларнинг мухим хусусияти – уларнинг асосан шеърий шаклда ёзилишидир. Яъни драманинг лирикага хос бадиий шаклда ёзилиши анъанавийлашган. Шу нуқтаи назардан шеърий драма алоҳида ўринга эга.

Мазкур мақолада Иқбол Мирзонинг “Самарқанд сайқали” шеърий драмасида синкретизм атамаси бир қанча мисоллар оркали очиб берилган. Шу билан бирга таникли олимлар томонидан сенкритизмга берилган ривожланиш босқичлари таҳлили келтирилган.

Таянч сўзлар: синкретизм, лирика, эпос, драма, ритм, бадиий-эстетик тажриба, трансформация.

Ikramova Aziza Aminovna,
PhD Student, Department
of Foreign Languages in the Humanities
Bukhara State University

SYNCRETIC FEATURES IN IQBOL MIRZO'S POETIC DRAMA "SAMARKAND SAYQALI"

ANNOTATION

In the literature of antiquity, the stages of development of the dramatic genre go back many centuries, and this genre was at the forefront. In addition, an important feature of the periodicals of this period is that they were written mainly in poetic form. In other words, the drama is traditionally written in a lyrical artistic form.

Poetic drama has a special place in this context. In this article, the term syncretism in poetic dramas is given by I. Lyskov and A. N. Veselovsky, their analysis of the stages of development of the term. In addition, in "Mahmud Tarobi" poetic dramas which was written by Oybek reveals syncretic features in this article too.

Key words: syncretism, lyric, epic, drama, rhythm, artistic-aesthetic experience, transformation.

Икрамова Азиза Аминовна,
базовый докторант, Кафедра
иностранных языков гуманитарного профиля
Бухарский государственный университет

СИНКРЕТИЗМ В ПОЭТИЧЕСКОЙ ДРАМЕ ИКБОЛ МИРЗО «САМАРКАНД САЙКАЛИ»

АННОТАЦИЯ

В литературе античности этапы развития драматического жанра уходят вглубь веков, и этот жанр стоял во главе угла. Кроме того, важной особенностью периодических изданий этого периода является то, что они писались преимущественно в стихотворной форме. Иными словами, драма традиционно написана в лирико-художественной форме. Особое место в этом контексте занимает поэтическая драма.

В данной статье термин синкетизм в поэтических драмах, в частности. Я. Лысков и А. Н. Анализ этапов развития дает Веселовский. Кроме того, в произведении Ойбека «Махмуд Тароби» обнаруживаются синкетические черты.

Ключевые слова: синкетизм, лирика, эпос, драма, ритм, художественно-эстетическое переживание, трансформация.

Антик давр адабиётида драматик турнинг тараккиёт боскичлари кўп асрларга бориб тақалади ҳамда бу тур энг етакчи ўринларда бўлган. Қолаверса, бу даврдаги драматик асарларнинг муҳим хусусияти – уларнинг асосан шеърий шаклда ёзилишидир. Яъни драманинг лирикага хос бадиий шаклда ёзилиши анъанавийлашган. Шу нуткази назардан шеърий драма алоҳида ўринга эга. Кейинчалик Уйғониш даврида шеърий драма У.Шекспир ижодида бадиий тараккиётга эришди. Илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, драматургиянинг турли жанрлари хар бир даврда услуб, мавзу, шакл ва мазмун жиҳатдан сайқаллашиб, ривожланишда давом этган. Демак, шеърий драма жаҳон адабиётининг бадиий-эстетик тажрибалари, турли трансформацион ва синкетлашув жараёнлари таъсирида шаклланди ва бадиий таракқий этди.

Ҳақиқатан, XIX асрнинг иккинчи ярмида синкетизм Вилгельм Шерер томонидан термин сифатида таърифлана бошланганлигига қарамасдан, атама фақат поэзияга нисбатан кўлланилишда давом этди.

Қадимги халқларнинг халқ оғзаки ижодини ўрганиш натижасида Гомер давригача ҳам ёзма достонларнинг яратувчилари бўлган. Хусусан, Гомернинг ўзи "Одиссея" достонида Демодок ва Фамир исмли ижодкорлар номларини келтиради. Таъкидланишича, Гомерга қадар ҳам юононларда ижодкор-муаллифлар бўлиб, улар маъбуд Апполон шарафига қасидалар битишишган, қасида эса лирик асар хисобланади. Бу кузатишлар синкетизмнинг қадимилигини ва анъанавийлигини, антик давр адабиётида намоён бўлганлигини кўрсатиб туради.

Кўринадики, А.Веселовский ҳам синкетизм ҳодисаси антик давр адабиётида, аникроги, драматик асарларда намоён бўлганлигини тасдиқлайди. Бунга сабаб, қадимги юон адабиётидаги драматик асарларнинг шеърий йўл билан ёзилишидир.

Олимнинг бу борадаги карашлари ниҳоятда қимматли. Унинг фикрича, драма шоири – қалбнинг ўргатувчиси (суфлёри) ("драматический поэт – суфлёр души")дир. Шу асосда олим синкетизм ҳодисасини шеърий драмага боғлайди ва бу жанр ўзининг тарихий илдизларини саклаган ҳолатда ривожланганлиги, унда хиссиётни шеърий ҳамда воқеликни насрда тасвирилаш ривожланиб борганлигини таъкидлайди. Олим шеърий драмадаги синкетликни хиссиёт (шеърий шакл) ва воқелик (насрий шакл) тасвири уйғунлигига кўради.

А.Веселовский синкетизм масаласини маҳсус ўрганар экан, ёзди: "Шеъриятдаги синкетизм атамаси бугунга қадар адабий таңқидчиларнинг жуда баҳсли таърифларига сабаб бўлган. Биринчи навбатга синкетизм: 1) маданий жиҳатдан куйи погонада турган ибтидоий халқларнинг майший ҳаёти акс этган оғзаки ижоди намуналари синтезидир. Қолаверса, бугунги кунда 2) замонавий, маданий жиҳатдан тараккий топган халқларнинг ўзаро муносиб

ва номутаносиб хаёт жиҳатларининг ижодга күчиши сифатида ҳам талкин қилиниши мумкин”. Кўринадики, назариётчи олим, аввало, халқ оғзаки ижоди намуналарида, шу билан бирга, замонавий адабиётда жанрий уйғунлик мавжудлигини таъкидлайди. Бу билан у синкетизмнинг илдизлари халқ оғзаки ижодига бориб боғланишини асослайди. А.Веселовский бу борадаги фикрларини давом эттириб, ёзди: “Шеъриятда синкетизм хақида гапирав экан, В.Шерер антик давр лирикасида воқеаларнинг икки хил шаклда – шеърий ва бошқа шаклларда ёзилишига сабаб бўлганлигини айтади. Шу сабабли ҳам шеърий шаклда драматик асарларни ёзиш анъанаши шаклланди”. Кўринадики, А.Веселовский ҳам синкетизм ходисаси антик давр адабиётида, аникроғи, драматик асарларда намоён бўлганлигини тасдиклайди. Бунга сабаб, қадимги юонон адабиётидаги драматик асарларнинг шеърий йўл билан ёзилишидир.

Олимнинг бу борадаги қараашлари ниҳоятда қимматли. Унинг фикрича, драма шоири – қалбнинг ўргатувчиси (суфлёри) (“драматический поэт – суфлёр души”)дир. Шу асосда олим синкетизм ходисасини шеърий драмага боғлайди ва бу жанр ўзининг тарихий илдизларини саклаган холатда ривожланганлиги, унда хиссиятни шеърий ҳамда воқеликни насрда тасвирлаш ривожланиб борганлигини таъкидлайди. Олим шеърий драмадаги синкетликни хиссиятни шеърий шакл ва воқелик (насрий шакл) тасвири уйғунлигига кўради.

Ойбекнинг “Маҳмуд Торобий” асарида синкетиклик хусусияти ёрқин кўзга ташланади. Унда монолог, диалог, мусика уйғун ҳолда келган. Натижада драматизм, эпизм ва лиризм бирлашган. Лиризм етакчи хусусият касб этган. Асар қаҳрамони Жамиланинг монологида хаётсеварлик хисларини туйиш мумкин. Бу кайфият унинг қалбидаги гунча очган муҳаббат туфайлидир. Шоир шундай муҳаббат лаҳзаларини Жамиланинг сопол кўза кўтариб, шарқираб окиб турган сув бўйида куйлаган қўшиғи тасвирида беради. Демак, бунда асар мусика билан уйғунлашади ва бу синкетлашувнинг бир киррасини намоён этади. Дарҳақиқат, ишққа ошно қалбнинг гўзал тарзда кўриниш беришида ижодкор нутқнинг монолог типидан фойдаланади:

Ишқ чаманзор айлагай кўнгил боғин,
Дилда дардинг бўлмаса, инграрми тор?

Бу ўринда нутқ охирида келган саволнинг жавоб талаб қиласлиги монологнинг ўзига хос хусусиятларидан бирини ифодалайди ва диалогдан фарқли томонини кўрсатади.

Тадқиқотчи Г.Ходжиеванинг ёзишича: “Драмада Темур Малик фаолиятини ифодаловчи тарихий воқеаларнинг асосий чизиги сакланган ҳолда, асар унинг шахсий фазилатларига мос характер белгилари билан тўлдирилган. Китобхон ва томошабин назарида Темур Малик эл-юргита содиқ ва довюрак халқ қаҳрамони сифатида намоён бўлди. Темур Малик характеридаги юксак фазилатлар – жасорат душманларга чексиз нафрат ва букилмас ироди уни Чингизхон асиригидаги хатти-ҳаракатлари тасвирида қиёмига етади”. Маълумки, асар тарихий воелик негизига курилган. Темур Маликнинг Чингизхон бошчилигидаги мўғул босқинчиларига қарши кураши тасвир этилган. Бу воқелик тарихга Маҳмуд Торобий кўзголони номи билан кирган.

Жамила ва Ёдгор сухбатлашиб турганларида Маҳмуд Торобий кириб келади ва уларга карата шундай дейди:

Минг хил азоб, кулфат кўрдингиз,
Юртни босди олов бўрони,
Оқди лак-лак одамлар кони,
Кул бўлди кўп қишлоқ ва шаҳар.
Ободликдан қолмади асар,
Мўғул отларининг тақаси,
Остидадир эл қовурғаси,
Тўйди, молдор бўлди оч мўғул (102).

Юкоридаги сатрлардан маълум бўладики, мўғул босқинчилари юргта бостириб кириб, элни вайрон қилган. Бунда шоир мўғулларни “олов бўрони” деб метафора қилади. Халқнинг

хонавайрон бўлганлигини эса “мўғул отларининг тақаси остига қолган эл қовургаси” ифодаси орқали беради. Торобий ҳақиқий ишқни жуда қадрлайди.

Истиклол йиллари ўзбек драматургиясида тарихий шахслар образини бадиј гавдалантириш ўзига хос адабий анъана тусини одди. Шу жиҳатдан Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг “Самарқанд сайқали” шеърий драмаси синкетик хусусиятлари билан алоҳида эътиборни тортади. Чуқур лиризм ва драматизм билан суғорилган бу асар Навоийнинг ташвишли, изтиробли, хоргин ҳолати тасвири билан ибтидо топади. Тадкиқотчи Г.Ходжиеванинг ёзишича: “Асар асосидан шоирнинг дунё ҳақидаги хаётий фалсафаси: одамзод бу хаётда бир йўловчи, сайёх экани, қисмат карвони қаерга етакласа шунга қараб бориши алоҳида ўқ чизик бўлиб ўтади” (1, 104).

Асар кўринишлардан таркиб топган. Бу – драматик турнинг композицион белгиси. Биринчи кўринишда карвоннинг Самарқандга кириб келиши воқеаси тасвиirlанган. Алишер Навоий Самарқандга ташриф буюрар экан, дастлаб шаҳардаги кўхна тарихий обидалар нигохини тортади. Асар улуғ шоирнинг шу лаҳзалардаги ҳайратлари тасвири билан ибтидо топади.

Самарқанд бир Мўйсафид сиймосида улуғ шоирни кучок очиб кутиб олади:
Мўйсафид:

Сизни ҳам танидим шу байтлар боис,
Сизни фарзандим деб билар Самарқанд,
Сизни шоирим деб улуғлайди эл,
Хуш кўрдик, марҳабо, ўғлим Алишер! (2,60)

Мўйсафид – рамзий маънода кўхна Самарқанд тимсоли. Гарчи ўз юртидан “ихрож кил”инган бўлса-да, шоирни Самарқанд очик юз билан кутиб олади. Бунга сабаб – унинг битган ашъорлари Туронзаминда маълум ва машхур эканлигидир. Бу каби лавҳаларда лиризм ва эпизм хусусияти уйғунлашганлиги кузатилади.

Алишер Навоий биографиясидан маълумки, Самарқандда унга Аҳмад Ҳожибек хомийлик килган. Асарда яна бир тарихий воқелик айнан А.Ҳожибек билан боғлик. Драманинг иккинчи кўринишида Соҳиб Сиддикнинг Самарқанд хокими Аҳмад Ҳожибек хузурига кириб, Навоийни йўқ қилиш ҳақидаги ёрлиқни тақдим этади. Абу Саид Мирзо Навоийнинг бутун хеш-акрабоси, яқинлари, тоғаларининг кшу машъум ҳақиқат ҳам маълум бўлади. Учинчи кўриниш Навоийнинг Абу Лайс Самарқандий мадрасасида шоирлар Юсуф Сафоий, Мир Қарший, Ҳирамий Қаландар, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирзобек, Риёзийлар билан сухбат жараёни тасвир этилган.

Драма бошдан охир Навоийнинг қалб изтироблари, аламли кечинмалари асосига курилган. Навоийнинг болалик йиллари воқелиги – кекса шоир Лутфий билан учрашуви, онасининг уни кучиб эркалаётганлиги, шоир тоғалари билан сухбати, отаси, укаси билан ўтган дамлари тасвири намоён бўлади. Бу ретроспекция усули хисобланади.

Драма Навоийнинг онасини туш кўриши, унда келажак башоратининг акс этиши билан интиҳо топади. Шундан сўнг улуғ шоирнинг юртига қайтиши билан боғлик лавҳаларга ўрин берилади.

Драмада Навоийнинг қалб изтироблари мунгли оҳангларда баён этилади. Урушнинг фожиа эканлиги, инсон бошига қанчалик оғир мусибат солиши, у туфайли бутун оиласи, отонаси, булбулзабон тоғаларидан айрилганлиги Аҳмад Ҳожибек билан бўлган диалогларида акс эттирилган. Шоир онаизорини эслаган пайтда лиризмни кучайтириш мақсадида Иқбол Мирзо шеърий сатрларда синоним сўзларни катор кўллади:

Уруш куюнининг гирдибодида
Тўзғиб битди бизнинг қутлуғ хонадон...
Отамдан айрилдим, онаизорим:
Мушфигим, мунисим, ғамбодам онам!..
(Уҳ тортиб, давом этади.)
Қавму кариндошим қанча-қанчаси –
Булбулзабон шоир тағойиларим

Бошини учирди уруш шамоли (2, 64).

Аҳмад Ҳожибек Навоийга лутф кўрсатади, Фазлуллоҳ Абу Лайс Самарқандий хузурига юборади. Соҳиб Сиддиқнинг Аҳмад Ҳожибекнинг Навоийга бўлган муносабатидан ғазабланиб чиқиб кетади.

Кейинги кўриниш сухбат саҳнаси билан бошланади. Бунда Навоийнинг шеъриятга муносабати Риёзий битган байтларни нуктадонлик билан тузатиши, мантиқ тарозусига солиб, бетакрор байтлар битиши сингариларда намоён бўлган.

Жаҳолатга карши маърифат билан курашмок кераклиги Абу Лайс Самарқандийнинг сўzlари орқали драмада ўз ифодасини топган:

Зулматни ёритар эзгулик нури,
Жаҳолат тифига маърифат калқон.
Не учун маъмурлик бизнинг заминда,
Тонг сокин, кечалар осуда кечар,
Улус шод, хотиржам каттаю кичик.
Кун сайин ҳар ишда равнақу ривож.
Боиси – бу тинчлик, осойишталик,
Тараққий асоси эса маърифат! (2, 69)

Ҳамма замонларда ҳам хотиржам яшашнинг асоси тинчлик ва осойишталик бўлиб келган. Абу Лайс Самарқандий сўzlаридан шу ҳакикатларни англаш мумкин:

Абу Лайс Самарқандий:
Юксалтир қалбқўргон деворларини!
Аждодлар шаънига бўлгил муносиб!
Наслу насабингни унутма, асло!
Огох бўл, огох бўл, мудом огох бўл!
Навоий:
Ҳар нафасинг ҳолидан огох бўл,
Балки, анга хуш ила ҳамроҳ бўл!
Мирзобек:
Эрурсен шоҳ – агар огохсен, сен,
Агар огохсен, сен – шоҳсен, сен! (2, 70)

изтироблари тасвирига кенг ўрин берилган. Муғаний яъни ҳофиз Навоийнинг Лутфийнинг лутфига сазовор бўлган ғазалини куйлаш асносида савол билан мурожаат этиб, шоирнинг қал оғриқларини янгилайди, болалик хотираларини эслатади. Бу дардли нола драмада лиризмни кучайтиришга хизмат қилган. Туш мотивидан асарда унумли фойдаланилган. Бунда Навоийнинг Самарқанддаги сафари тугаши, уни Ҳирот кутиб тургани тушида онасининг айтган сўzlари орқали китобхонга маълум килинади.

... Ажаб, тонгга ёвук бир туш кўрибман...
Эҳ, онам, волидам, мушфигим онам,
Малойик суратли, анвор юз билан
Озор бермайин деб тушимда ҳатто
Ўша майин, синик, сокин овозда
Келгин, болам, дейдир, ота уйингга...
Абу Саид вайрон этган ҳовлимиз
Яна обод эмиш, чарогон эмиш (2, 80).

Драманинг таъсир кучини ошириш мақсадида И.Мирзо бир неча ўринларда Навоий мисраларидан парчалар келтиради. Мўйсафид ҳам буюк шоирни унинг ғазаллари орқали таниб олади. Бу эса драмага лириклик хусусиятини ёрқин намоён этган.

Демак, драманинг Навоий ҳакида яратилган лирик, эпик турдаги асарлардан фарки шундаки, Иқбол Мирзо улуг мутафаккирнинг лирик образини яратган. Асар вокелигидан Навоийнинг Самарқанддаги хаёти бесамар кечмаганлигини: у кўхна шахарда ҳам илм ўрганиш, ижод қилишдан тўхтамаганлигини билиб олиш мумкин.

Юқоридаги асар таҳлили асосида шеърий драмада синкетикликнинг намоён бўлиши хақида қўйидагича хуносаларга келиш мумкин:

Биринчидан, шеърий драма антик адабиётининг кўп йиллик тажрибалари, турли трансформацион ва синкетлашув жараёнлари таъсирида шаклланди ва бадий тараққий этди.

Иккинчидан, синкетизм адабиётнинг турли босқичларида поэтик турларнинг ривожланиш босқичларини умумлаштириб айтиш мақсадида кўлланилган. Шу жиҳатдан бу адабий ҳодиса қадимий ва анъанавийлик касб этган ва дастлаб антик давр адабиётида намоён бўлган.

И.Мирзонинг “Самарқанд сайқали” драмаларида синкетиклик хусусияти ёркин кузатилади. Асар тўлақонли равишда шеърда ёзилиши – лиризм, монолог ва диалоглар – драматизм, газалларнинг куйланиши мусикийлик, воқеалар тизими эса воқеабандлик сингари жиҳатларнинг уйғунлашувида кўринади.

Юқоридаги таҳлилларимиз тарихий асардаги бадий тўқима ва тарихий реал образларнинг харакати ҳамда уларнинг асардаги ўрни хақида эди. Тарихий драмаларда тўқималик ва реаллик тушунчалари нафакат образлар, балки, воқеаларга ҳам дахлдордир. Тарихий воқеалар ўзгартириб ёзилмайди, аммо бадий адабиёт бу хукмни ўз қоидаларига кўра четлаб ҳам ўтиши мумкин. Максуд Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди” драмаси мисолида худди шундай бадий тўқима воқеаларга дуч келамиз. Маълумки, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти хақида бизгача тўлиқ етиб келган манбалардан бири бу Шаҳобиддин Мухаммад ан-Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти” асаридир. Тарихчи Насавий Мангуберди билан бир даврда яшаб, Хоразмшохлар саройининг тарихнависларидан бири бўлган. У Жалолиддин Мангуберди ва Чингизхон ўртасида бўлган курашларнинг ҳам тирик гувоҳидир. М.Шайхзода драмасида ҳам Насавийнинг тарихий жангларни ёзиб бораётганининг гувоҳи бўламиз. Тарихий реал асар ва тарихий-бадий асарда воқеалар кай тарзда баён қилинганини таҳлилга тортсан, ёзувчи кўллаган бадий тўқималар юзага чиқади ва айни пайтда бу усул нега кўлланганини ҳам билиб оламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лысков И. Синкетизм // Литературная энциклопедия: Словарь литературных терминов: В 2-х т. – М .; Л.: Изд-во Л. Д. Френкель, 1925.Т. 2. П-Я. –Стб . 788–798. <http://feb-web.ru/feb/slt/abc/lit2/lit2-7881.htm>. Веселовский А. Н.. Историческая поэтика. М., "Высшая школа", 1989. –224 с. Теория литературы. В 2-х т. Т. 2: Учеб. пособие. Бродтман С.Н. Историческая поэтика /Под ред. Н.Д.Тамарченко.– Москва: Академия, 2004. –С. 72-110.
2. Википедия.
3. Веселовский А. Н.. Историческая поэтика. –М.: Высшая школа, 1989. – С. 38-91
4. Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. IV том. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.398.
5. Ходжиева Г. Ўзбек шеърий драмаси. –Бухоро: Дурдона, 2021. –Б.94.6
6. Ikromova, A. A. (2020). The Concept Of Pedagogical Skills, Its Role And Importance In Teaching. The American Journal of Applied sciences, 2(08), 122-126.
7. IKRAMOVA, Aziza Aminovna, and Nigina Aminovna IKRAMOVA. "FACTORS AFFECTING THE DEVELOPMENT OF AMERICAN DRAMA." E-Conference Globe. 2021.
8. IKRAMOVA, A. A. (2021, April). THE GENESIS OF DRAMA IN WESTERN AND UZBEK LITERATURE. In E-Conference Globe (pp. 496-501).
9. Aziza, Ikramova. "SYNCRETIC PHENOMENA IN THE SYSTEM OF PARTS OF SPEECH IN SOME WORKS OF RUSSIAN WRITERS." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2.11 (2021): 277-283.
10. Ikramova, A. (2021). INGLIZ ADABIYOTI VA DRAMANING TEATIRDAGI O 'RNI. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 3(3).